



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖОДИЙ ТАСАВВУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Сиддиқова Насибахон Набижоновна

Андижон вилояти Асака тумани

43- мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7561209>

ARTICLE INFO

Received: 14th January 2023

Accepted: 21th January 2023

Online: 23th January 2023

KEY WORDS

Ижодий тасаввур, таълим методлари психологик-педагогик ва услубий адабиётлар, тасаввур, педагогик муаммо.

ABSTRACT

Ушбу илмий мақолада бошланғич синф ўқувчиларни ижодий тасаввурини ривожлантириш педагогик муаммо ва унинг ечими ҳақида сўз боради.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини таъминлашда моддий омиллар билан бир қаторда бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш даражаси, салоҳияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Болаларнинг ижодий тасаввурини ривожлантириш ва давр талабларига мувофиқ фаолият юрита олишлари учун зарур шарт-шароит яратишда бошланғич таълим тизими алоҳида ўрин тутди.

Бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришнинг асосий мақсади – ёш авлодни ҳар томонлама етук, жамиятимиз тараққиёти учун зарур бўлган баркамол инсонлар этиб шакллантиришдир.

Адабиётлар шарҳи. Баркамол инсон ўзида маънавий ва жисмоний етукликни мужассам этади. Ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини ривожлантириш учун биринчи галда халқ оғзаки ижоди, халқ эртаклари, ҳикоялар, афсоналар, болалар энциклопедияси ҳамда тасвирий ифодани акс эттирувчи болалар китоблари асосий ўрин тутди. Бундан ташқари шарқ мутафаккирларининг меъроси, шеър ва ғазаллари, бадий ижод намуналари дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абулқосим Фирдавсий, Амур Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари алломаларнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-таълимий қарашларига таяниб иш кўрилса, ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини ривожлантириш ишлари янада мукамаллик касб этади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантириш таълим жараёнининг асоси бўлган, доимий диққат ва эътиборни талаб қиладиган, ўз аҳамиятини йўқотмайдиган педагогик муаммодир.



Марказий Осиёда таълим методларининг ривожланиш тарихи ўрганилганда таълимда турли усулларнинг амалиётда қўлланилганини кўриш мумкин. Жумладан, Абу Али ибн Сино “Тадбир ал - маънозил” асарида ёш болаларни туғилганидан бошлаб вояга етгунигача маълум тартибда тарбиялаб бориш лозимлигини айтади. У болаларни яқка тартибда ўқитишдан кўра жамоа тартибда ўқитишни афзал деб билади ва бу услубнинг устунлиги ҳақида шундай деб ёзади: “Ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илмга чанқоқлик сезадилар. Ўқувчилар бирга бўлганларида доим бир-бирлари билан гаплашадилар ва бу билан ўз тасавури ва нутқларини ривожлантирадилар” [1].

Ижодий шахсни тарбиялаш муаммолари Ян Амос Коменскийнинг тадқиқотларида алоҳида ўрин тутган бўлиб, у шахснинг борлиқни ўрганишга ёрдам берувчи сезги органларининг билиш тизимида етакчи ўринни эгаллашини таъкидлаган, билиш жараёнларининг ривожланишида эмпирик, илмий ва амалий босқичларини, билишнинг асосий манбалари бўлган онг ва сезгилар хусусиятини тавсифлаб берган [2].


К.Д.Ушинский тасаввур, фикрлаш ҳамда ирода сифатларини ривожлантиришдан иборат ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш механизмини биринчилардан бўлиб асослаб берган. У ўқувчилар ижодкорлик сифатларини ривожлантириши жараёнида шаклланиб бораётган ғояларга ишонч ва қатъиятти тарбиялаб бориш заруратини қайд этади [3].

Муҳокама ва натижа. Шу билан бирга психологик-педагогик ва услубий адабиётларда боланинг ижодий ривожланишига қаратилган вазифалар аниқланган, аммо улар таълим тизимида етарлича ёритилмаган, амалий кўрсатмалар ишлаб чиқилмаган. Ўқувчиларнинг дарсда ижодий тасаввурини ривожлантириш учун зарур бўлган педагогик шарт-шароитлар аниқланмаган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да - “ижодийлик” - ижод, яратувчилик билан боғлиқ бўлган ижодий фаолият, ижодий меҳнат сифатида таърифланган [4]. Педагогик луғатларда эса “ижодкорлик” - тажрибани қайта ташкил этиш, янги билимлар ва кўникмалар комбинациясини шакллантириш асосида янги нарсани ишлаб чиқарадиган фаолиятдир, - деб таърифланади.

Бундан ташқари, ижодий тасаввурни тушуниш учун психологик луғатга мурожаат қилдик. «Тасаввур» тушунчаси шундай таърифланган: “Тасаввур – нарса ва ҳодисалар, ҳолатларни, воқелик образларини эслаш, шунингдек, ижодий хаёл суриш жараёни. Хотира шаклида ҳам намоён бўлади. Агар идрок ҳозирги дақиқаларни акс эттирса, тасаввур ҳам ўтмишни, ҳам келажакни ўзида мужассамлаштиради, умумлашган хусусият касб этади.” Билимларни ўзлаштиришда, касбий малакаларни эгаллашда тасаввур муҳим аҳамиятга эга. Тасаввур ҳам умумий, ҳам хусусий, ҳам ижтимоий хусусият касб этади. Ижтимоий тасаввур умумбашарий ва миллий урф-одатларни, маросимлар, анъаналар ҳамда қадриятларни акс эттиради [5].

Педагогикада инновацион ёндашувни жорий этишда ижодкорлик фаолиятининг маънавий, дидактик, технологик, ташкилотчилик каби турларидан кенг фойдаланиш мумкин (1-расмга қаранг):



1-расм. Ижодкорлик фаолиятининг турлари

Маънавий ижодкорлик – ўқитувчи ва ўқувчилар орасида маънавий ахлоқий соҳада янги сифатли натижа берувчи такрорланмас ўзига хос ёндашувга асосланган фаолият тури.

Дидактик ижодкорлик – ўқув материални танлаш, лойиҳалаш ҳамда ўқувчилар ўзлаштиришининг янги йўналишларини ишлаб чиқишга асосланган фаолият тури.

Технологик ижодкорлик – юқори натижага эришиш имконини берувчи янги тизимлар, жараёнлар ва вазиятларни излаш ҳамда яратиш билан боғлиқ фаолият тури бўлиб, у ижодкорликнинг ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини бутунлай қамраб олувчи энг мураккаб тури ҳисобланади. Ушбу ижодкорликнинг ўзига ҳослиги янгилик элементларини технологияга ўтказиш, унинг самарадорлигини тубдан ўзгартиришга қаратилганлиги билан изоҳланади, замонавий талабларга мос келади.

Ташкилотчилиги ижодкорлиги – режалаштириш, назорат, ресурсларни тақсимлаш ва сафарбар қилиш, ташқи муҳит билан алоқа, ўқувчилар ва ўқитувчи орасидаги боғланишнинг янги усуллари яратишни ташкил қилиш ва бошқаришдаги ижодкорликдир.

Ижодий тасаввурни ривожлантиришда унинг жамиятда ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга таъсир қилиб, индивидуалда маълум даврда шаклланган билимларни ривожлантиришга қаратилганлигини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Чунки болада мактабга келгунга қадар унда маълум тасаввурлар шаклланган бўлади. Танланган методика уларни ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Бошланғич синф ўқувчисининг ўзлаштиришига таъсир қилувчи объектив сабаблар ҳам мавжуд:

1. Ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларни жалб қила олмаслиги.
2. Синфларда ўқувчилар сонининг кўплиги ва улар билан алоҳида шуғулланиш учун вақтнинг етишмаслиги.
3. Ўқитувчининг рағбатлантириши ёки камситиши.
4. Мавзунинг англаб етишлари учун кўргазмаларнинг етишмаслиги.
5. Ўқитувчи ва ота-оналар томонидан боланинг қизиқишлари инобатга олинмаслиги.



6. Синф жамоасида ўқувчига тан олиниш имкониятининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги.

7. Ижодий топшириқларнинг берилиши ёки берилмаслиги.

8. Топшириқларнинг ёшга оид берилмаслиги ёки мураккаблиги.

9. Айнан ижодий тасаввурни ривожлантирувчи манбанинг мавжуд эмаслиги.

Болаларнинг ўйинлари хаёлий ишнинг самараси бўлиб, улар ижодий фаолияти билан хурсандчилик қилишади. Уларнинг руҳий асоси ҳам тасаввур ҳисобланади. Болаларни ўрганиш жараёнида мавҳум материалларни тушунишнинг зарурати мавжуд бўлиб, улар аналогияларга боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ушбу ёшдаги ўзгаришлар таълим ва ўқув жараёнларини ташкил қилишда, шунингдек, тасаввурни ривожланиш жараёнини ўрганишида, ташхислашда ҳисобга олиниши лозим.

Тасаввур – бу руҳий жараёнларнинг қолган қисмидан ташқари, шунингдек, ҳислар, фикрлаш ва хотиралар ўртасидаги оралиқ позицияни эгаллайдиган инсон хаёлотининг ўзига хос шакли. Ушбу руҳий жараённинг ўзига хослиги шундаки, тасаввур, эҳтимол, инсоннинг ажабтовур организм фаолияти билан боғлиқ бўлиб, айти пайтда барча руҳий жараёнларнинг пайдо бўлиши асосидир [6]. Кўришиб турибдики, тасаввур тушуниш ва тушунтириш истагидир.

Ижодий тасаввур деб бизнинг тажрибамизда бўлмаган ва воқеликнинг ўзида ҳам учрамаган нарса ва ҳодисалар ҳақида тасаввур ва образлар яратишдан иборат бўлган тасаввур турига айтилади. Ижодий тасаввур натижасида санъат, адабиёт, техника соҳаларида янгиликлар яратилади ва унинг образлари тамоман янги, оригинал образлар бўлади.

Ижодий тасаввурнинг ўзига хос хусусияти яратилаётган образ ҳақиқатда йўқ, бирон янги образ бўлади. Сўнгра жамиятнинг ёки хаёл қилаётган инсоннинг эҳтиёжлари янги образнинг яратилишига туртки бўлади. Ижодий тасаввур сўзлар ва моддий нарсаларда пайдо бўлади. Орзу ва ширин тасаввур қилишлар ижодий тасаввурнинг алоҳида турлари сифатида ижодий тасаввурнинг келажакка қаратилган фаолиятидир. Демак, у орқали истиқбол образлари яратилади.

Ижодий тасаввурни ривожлантиришни мустақил омил сифатида белгилаб, унинг ривожланишини бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввури мисолида ўрганиб чиқилди. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурининг таркибий қисмлари деб қуйидагилардан иборат:

ижодий фикрлаш;

ижодий тасаввур;

ижодий тасаввурни ташкил қилиш усуллари қўллаш.

Тасаввурни ривожлантириш бошланғич синф ўқувчиларига қуйидагича таъсир қилади:

1. Болаларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланишига.

2. Ўртача ўқувчининг ривожланишини белгиловчи муҳитни яратишга.

3. Бола вазифани мустақил равишда бажаришга.

4. Юқори даражали эркинлик дарсликларини тақдим этиш, ишларининг ўзгариши ва ҳ.;



Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришда боланинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Умумтаълим мактабининг бошланғич таълим даврига мос келадиган ривожланиш босқичи хронологик чегаралари турли мамлакатларда ва турли хил тарихий шароитларда фарқланади. Бу чегаралар шартли равишда 6-7 ёшдан 10-11 ёшгача оралиқда белгиланиши мумкин. Уларнинг мазмуни расман қабул қилинган бошланғич таълим шартларига боғлиқ.

Мактабга болани қабул қилиш жараёнида бошланғич синф ўқувчилари билан ишлаш вақтида ўқитувчига бир қатор вазифалар юклатилади:

мактаб таълимига тайёргарлик даражасини ва унинг фаолияти, алоқаси, хулқ-атвори, ақлий жараёнларни ўқитиш пайтида эътиборга олиш кераклиги даражасини аниқлаш; имкони борича мумкин бўлган бўшлиқларни бартараф этиш ва мактабга тайёргарлик даражасини ошириш;

келгусида мактаб ўқувчиларининг шахсий тасаввурини ҳисобга олган ҳолда стратегияси ва тактикасини режалаштириш.

Ушбу муаммоларни ечишда ўқитувчилардан бошланғич синфга қабул қилинган болаларнинг психологик хусусиятлари, оилавий муҳити, ўзлаштириш даражаси қандайлиги, мактабга тайёргарлигининг қай даражада эканлигини чуқур ўрганиш талаб қилади.

Мактабгача ва бошланғич синф ёшидаги ўқувчиларда тасаввур функциясининг фаоллашуви кузатилади. Дастлаб, қайта тиклаш (кичик ёшда эртакли тасвирларни тасаввур қилиш имконини беради), кейин эса ижодий (бунинг натижасида асосан янги тасвир яратилган) фантазия шаклланиши учун ўзларининг фаол ишларини намоён эта бошлайдилар.

Бошланғич синф ўқувчилари ўзларининг фаолиятида теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисалар тўғрисидаги тасаввур образларидан амалий фойдаланиш билан чегараланиб қолмасдан, уларга нисбатан шахсий эмоционал муносабатни ҳам билдиради. Бу ҳол кўпинча уларнинг ижодий ўйинларида яққол намоён бўлади. Ижодий ўйинларда болаларнинг катталар фаолияти ҳақидаги, уларнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги тасаввур акс этади. Улар ўзларини катта ёшдаги одамлар билан бирга ҳаракат қилаётгандек ҳис қиладилар. Ҳатто, воқеликнинг бевосита қатнашчиси вазифасини ўтайдилар.

Демак, катта ёшдаги инсонлар уларга ҳаётнинг ижобий образларини тасаввур қилишда кўмаклашиш билан бирга, болаларнинг ҳар қандай воқеликка ижобий нуқтаи назар билан қарашига замин яратиш лозим. Ижобий хислатларни болалар онгида ҳосил қилиш улардаги ижодкорликка, яратувчанликка, изланувчанликка, фантазиявийликка ҳамда эркин ижодий фикр юритишга олиб келади. Барча эзгу ишлар, эзгу амаллар, ихтиролар, бадиий асар намуналари – барча-барчаси ҳаётга ижобий ёндашиш натижасида яратилади.

Ҳаракатга ундовчи хоҳиш-истак боланинг ижтимоий тасаввур билан боғлиқ бўлиб, бевосита идрок қилиш мумкин бўлган вазият моҳиятини англашга имкон беради ва янги фаолликка ундайди. Психологик манбалардан маълумки, мазкур ёшдаги болаларнинг ўзлари хоҳламаган фаолиятга (ёзишга, расм чизишга, меҳнатга, ҳаракатли ўйинга) мажбур қилиш мумкин эмас. Улар ўзлари хоҳламаган машғулотлардан тез



чарчайдилар. Шундай машғулотларга амалий жиҳатдан ижодий ёндашиб, ҳаракатга ундовчи, рағбатлантирувчи аломатлар киритилса, болалар ишга астойдил, бутун вужуди билан киришиб кетади. Натижада, шу машғулотга нисбатан ижобий муносабат шаклланади. Болалар ҳам банд бўлади, ҳам кўп маълумотларни ўзлаштиради ва ўз вақтида ортда қолмасдан ўзлаштиришга эришади.

Хулоса ва таклифлар. Шахсий тажрибалардан маълумки, бирор қизиқарли ҳаётий ҳодиса ёки мультфильм қахрамонлари муҳокама қилинганда, ўқувчилар бирдан турли хилдаги, ранг-баранг фикрлар билдира бошлайдилар. Шундай вазиятларда улар ўз ақлий имкониятларидан кўп нарсаларни билиши маълум бўлиб қолади. Шу ўринда савол туғилади: нега улар дарсга оид мавзулар юзасидан гапирганларида бундай иштиёқ билан сўзламайдилар? Чунки мультфильмларни томоша қилганларида тасаввур яққол намоён бўлади. Уларни қизиқтирувчи тасвирий ифодалар, бой ранг-тасвир намуналари, тасаввур қилиш имконияти тўлалигича ёритилади. Шуларни ҳисобга олиб, дарсликларда, дарс жараёнида болаларни худди шундай қизиқтирадиган, уларнинг ижодий тасаввурини ривожлантирадиган, бой ранг-тасвир намуналаридан фойдаланилган, табиатига, ёш хусусиятига мос мавзулар кўпроқ берилиши, матнлар юзасидан тақдим этилган савол-топшириқларнинг турфа хиллиги дарслардаги шундай вазиятларнинг асоси бўлади. Ўқувчиларнинг руҳий мувозанатдан чиқиши эса уларни маънавий камолот сари етаклаш гарови.

Форобийнинг фикрича, таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши ўзига хос тарзда фикрлаш, тасаввур қилиш ва ҳис этиш орқали амалга ошади. Инсон туғилганидан фикрлаш, тасаввур қилиш қувватига эга бўлади ва у боланинг ўсиши билан ривожланиб боради. Олимнинг фикрича, инсон ақлига сиғадиган тушунчаларнинг киши онгида сақланиб қолиши билишнинг натижаси саналади. “Болада катта имкониятларга эга кўнгил бор, – дейди Форобий, у, – ҳис-туйғу тасаввур орқали англаш хусусиятига эга. Ҳиссиёт ва тасаввур билан фикрлар тушунилади” [7]. Инсон туғилиши билан фикрлаш, тасаввур қилиш қувватига эга бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларига қўшилган ҳолда, унинг кичик ёшдан шаклланиб, бола улғая бориши билан ривожланиб боришини алоҳида таъкидлаш лозим.

References:

1. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 2001.
2. Коменский Я.А. Избранные педагогические сочинения. В 2-х т. М.: Педагогика, 2002. – Т.1. – 656 с.
3. Ушинский К.Д. Человек как предмет воспитания. Том II (2006)
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. 5 жилд. – 687 б.
5. Тиллашев Х. Общепедагогические и дидактические идеи ученых энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. – Т.: Фан, 2003.
6. Қосимова Н.А. Она тили таълими жараёнида ўқувчилар нутқини сўз маънодошлари билан бойитиш.: пед. фан. ном. ... дисс. – Т.: 1998.



7. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.